

## **1- мавзу. “Меҳнат муҳофазаси” фанининг мақсади, вазифалари, тушунчалари ва таърифлари.**

### **Асосий саволлар:**

1. Меҳнат муҳофазаси фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари.
2. Давлатимизда меҳнат муҳофазаси бўйича ишларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи.
3. “Меҳнат муҳофазаси”нинг ижтимоий-иқтисодий ва техник аҳамияти, унинг бошқа фанлар билан алоқалари.
4. Фанининг асосий тушунча ва таърифлари.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Меҳнат муҳофазаси, ижтимоий - иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш - профилактика тадбирлари, зарарли омил, хавфли омил, бахтсиз ҳодисалар, жароҳатланишлар, касбий касалликлар, авариялар, ёнғин.

### **1. Меҳнат муҳофазаси фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари.**

Инсон ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳар бир жамият учун долзарб масала бўлиб, у давлатнинг иқтисодий ривожланганлиги ва барқарорлигига боғлиқ. Бу ҳозирги вақтда илмий–техник тараққиёт келтириб чиқарган мураккаб муаммоларни ҳар томонлама ечишни, катта миқдорда маблағ ва ишлаб чиқаришнинг юқори маданиятини талаб қиладиган муаммодир. Бу эса фақат иқтисодий қудратли, кучли илмий–техник ва интеллектуал имкониятларга эга бўлган давлатнинг қўлидан келади. Бошқа томондан хавфсизлик муаммоларининг ечими жамиятнинг барча аъзоларининг фаол иштирокини, юқори фуқаролик онгини, айрим ҳолларда жамият, келажак авлод манфаати учун, шахсий манфаатлардан кечишини талаб қиладди. Бу эса жамият аъзоларидан юксак маданиятли ва кучли маънавиятликини талаб қиладди. Бу тамойилларнинг ечими чуқур таҳлил қилинган ва ташкил қилинган узлуксиз, яъни таълимнинг барча ўтимларини камраб олган таълим ва тарбия тизимларидагина мумкин.

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимизда таълим тизими ислоҳ қилинди ва унда таълимнинг узлуксизлигига катта аҳамият берилди. Хавфсизликни таъминлаш руҳида ўқитиш ва тарбиялаш айниқса техник ўқув юртларида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки янги техника ва технологияларни бўлғуси яратувчиларини ва ишлаб чиқариш раҳбарларини шу руҳда тарбиялаш ушбу муаммони самарали бўлишида катта рол ўйнайди.

Бўлғуси мутахассисларни шакллантиришдан асосий мақсад ҳар қандай муҳандислик масаласини ҳал қилишда, бу илмий изланиш бўладими, лойиҳа– конструкторлик иши бўладими, ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва бошқарув масаласи бўладими асосий тамойил–инсон саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш эканлигини унутмасликдир.

Инсон хавфсизлигини таъминлаш айниқса уни иш жараёнида бевосита ишлаб чиқаришда ўз долзарблигини кўрсатади. Чунки замонавий корхоналарнинг характерли томони шундаки, унда бир корхонанинг ўзида турли-туман ва тез ўзгарувчан технологик жараёнларда материаллар, юқори даражали механизациялашган ва автоматлаштирилган, компьютерлашган техника билан жиҳозланган замонавий поток тизимлар қўлланилмоқда. Булар албатта бир томондан жараёнларни қисқартиришга маҳсулот сифатини яхшилашга ва меҳнат шароитини хавфсизлантиришга қаратилган, лекин иккинчи томонидан уларда ишловчи ишчилардан катта диққат, сезувчанлик ва бутун иш куни давомида ақлий зўриқиш талаб қилади. Бу эса асабларнинг таранглашувига ва пировард натижада касбий касаллик ва жароҳатларга сабаб бўлиши мумкин.

Технологик жараённинг мураккаблиги, технологик режимларга бўлган талабларнинг юқорилиги меҳнат муҳофазаси тадбирларига бўлган талабларининг ортиб боришини талаб қилмоқда. Ишлаб чиқариш хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш услубий жиҳатдан мураккаблашиб, актуаллашиб борапти.

Корхоналарда меҳнат шароитларини яхшилаш ва юқори хавфсизлик сатҳини таъминлаш учун барча техник, ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий усул ва воситаларини қўллаш талаб этилади.

“Меҳнат муҳофазаси” курси ижтимоий–ҳуқуқий–мақсадларни ўз ичига олган муҳандислик фани бўлиб, классик фанлар бўлмиш физика, кимё ва математика билан бирга амалий–меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш санитарияси, меҳнат психологияси, эргономика, муҳандислик, саноат эстетикаси ва бошқа фанларнинг ютуқларига таянади.

Бу фаннинг методологик асоси–меҳнат шароитини, технологик жараённи, ажралиб чиқадиган зарарли моддаларни ва фойдаланиш вақтида пайдо бўладиган хавфли вазиятларни илмий таҳлил қилишдир. Бу таҳлил асосида ишлаб чиқаришдаги хавфли жойлар, содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар аниқланади, уларни олдини олиш ва йўқотиш чоралари ишлаб чиқилади. Бу масалаларни ҳаммаси ўзаро боғланган ҳолда, келажак режаларни ҳисобга олган ҳолда кўрилади.

“Меҳнат муҳофазаси” курси беш бўлимдан иборат: меҳнат муҳофазасининг назарий асослари, меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, меҳнат гигиенаси ва саноат санитарияси, хавфсизлик техникаси, ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш.

“Меҳнат муҳофазаси” курсининг мақсади – меҳнат хавфсизлигининг муҳандислик ва илмий асосларини биладиган, хавфли вазиятлар туғилганда уларни амалда қўллай оладиган, меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, жароҳатларни, касбий касаллик, авария, ёнғин ва портлашларнинг олдини ола биладиган бакалавр кадрлар тайёрлашдир.

Курснинг вазифаси хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини, уларнинг инсон соғлигига таъсири ва мазкур хавфли моддаларни ўлчаш ва тадқиқ қилишнинг замонавий усуллари ва улардан самарали химояланиш тадбирларини ўрганишдан иборатдир. Шу билан бирга “Меҳнат муҳофазаси”

ижтимоий фан ҳам ҳисобланади, чунки меҳнат шароити аксарият ҳолларда коллективнинг меҳнат интизомини, кадрлар кўнимини, жамоадаги руҳий иқлимни ва иқтисодий кўрсаткичларни ифодаловчи омилдир.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш** - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий - иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш - профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

**2. Давлатимизда меҳнат муҳофазаси бўйича ишларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи.**

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг меҳнатини муҳофазалаш ва хавфсизлигини таъминлаш умумдавлат миқёсидаги масала даражасига кўтарилган. Иш вақтида ишчилар ва ходимларнинг саломатлигини сақлаш, уларнинг меҳнатини тўлиқ муҳофаза этиш Давлатимизнинг устивор вазифаларидан бир ҳисобланади. Давлатимиз Конституциясининг 37-моддасида: - “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгадир” деб ёзиб қўйилган. 1993 йил май ойида “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” қонун, 1996 йил 1 апрелда қайта ишланган „Меҳнат кодекси” амалга киритилди.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан меҳнатни муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш борасидаги ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 12 июлда “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги № 267 қарор қабул қилинди. 2010 йил 20 июлда эса “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги №153 қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 сентябрь 2014 йил 263-сонли “Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш ”тўғрисидаги қонуни қабул қилинди.

Меҳнаткашларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, хавфсиз иш шароитларини яратиб бериш, касбий касалликларни ва ишлаб чиқариш жароҳатларини йўқотиш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг асосий ғамхўрликларидан биридир.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидагиларда ўз ифодасини топган:**

- корxonанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги;
- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш;
- мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъий назар, барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйиш;
- меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари

яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш;

- корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш;

- меҳнатни муҳофаза қилишни маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;

- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;

- хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;

- фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ватанимиз ва чет эл илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш;

- ишловчиларни махсус кийим ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, пархез овқатлари билан бепул таъминлаш;

- корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;

- ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ҳамда ҳисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалинишлар даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг мажбурийлиги;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўлиққан ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш;

- касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш принципларига асосланади.

### **3. “Меҳнат муҳофазаси” фанининг ижтимоий-иқтисодий ва техник аҳамияти, унинг бошқа фанлар билан алоқалари.**

“Меҳнат муҳофазаси” курси фаннинг мутахассисликка тегишли асосий назарий қисмини беради. Аниқ машиналар, транспорт воситалари, технологик жараёнлар, иш турлари бино ва иншоотлар учун ҳар бир курснинг тегишли мутахассислик курсларида ўрганилади.

“Меҳнат муҳофазаси” борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишларини 100 дан ортиқ илмий-тадқиқот ташкилотлари ва лабораториялар, шу қаторда МДХ да 6 та меҳнатни муҳофазаси қилиш институтлари, 64 дан ортиқ Олий мактаб кафедралари, кўплаб тиббиёт илмий-тадқиқот муассасаларида олиб борилади.

Илмий фан сифатида “Меҳнатни муҳофазаси” фанининг мақсади, максимал иш унумдорлигида, иш шароитининг тўлиқ хавфсизлигини ва зарарсизлигини таъминловчи ташкилий ва техник тадбирларни ишлаб чиқишдадир.

Меҳнат шароитининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга яъни, меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини

ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва жамоат фаоллигини оширишга олиб келади.

Техника юксак тараққий этган ҳозирги замонда кишилар меҳнатини муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**“Меҳнат муҳофазаси” фани** - ижтимоий – иқтисодий, аниқ фанлар, тиббиёт, кимё фанлари, техник фанлари, меҳнат гигиенаси ва саноат санитарияси фанлари билан боғлиқдир:

**-ижтимоий фанлар** - ҳуқуқшунослик фани, меҳнат қилиш ҳуқуқи.

**-жамиятшунослик фани** - меҳнатни ташкил қилиш.

**-иқтисод фани** - ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни режалаштириш.

**-тиббиёт фанлари** - меҳнат гигиенаси ва саноат санитарияси, ишлаб чиқаришда заҳарланиш, меҳнат қилиш физиологияси, меҳнат қилиш руҳшунослиги.

**-техника фанлари** (физика, кимё, математика) - умуммуҳандислик фани, ёнғинга қарши кураш техникаси, муҳандислик руҳшунослиги (психологияси), эргономика фани, ишлаб чиқариш ва саноат нафосати (эстетика), ишлаб чиқариш ва саноат технологияси.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг пойдеворини қуриб кетган аجدодларимиз, ҳазрат Абу Али Ибн Сино, ҳазрат Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбеклар билан чексиз фахрланамиз. Айниқса Ибн Синонинг соғлиқни сақлаш ҳақидаги таълимоти, гигиена фанининг асосига айланганлиги бениҳоят шарафлидир.

#### **4. Фаннинг асосий тушунча ва таърифлари.**

**Меҳнат хавфсизлиги** – бу содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқарадиган хавфли ва зарарли омилларни илмий асосда, тез бартараф этиш ва меҳнат шароитини соғломлаштириш орқали бахтсизликларни олдини олишга ўргатади.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш** - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий - иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш - профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг таркибий қисми** - меҳнат муҳофазасининг назарий асослари, меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, меҳнат гигиенаси ва саноат санитарияси, хавфсизлик техникаси, ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг мазмуни** - инсоннинг техносфера шароитида яшаши, ҳаёт кечириши ва унинг яшаш муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар таъсиридан ҳимояланишни янги усуллари ишлаб чиқиши ва ҳаётга татбиқ этиши, ўзининг яшаш учун керак бўладиган озиқ – овқат сув ва ҳаво билан таъминлаш каби инсонларнинг моддий талабларини қондириш.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг долзарблиги** - инсоннинг фаолиятига, соғлиғига, наслига бевосита ёки билвосита қисқа ёки узок

муддатда таъсир кўрсатувчи омиллар таъсирини ўрганиш, яшаш муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар таъсиридан ҳимояланиш, инсоннинг яшаш шароити учун энг қулай шароит яратиб бериш.

**Ишлаб чиқариш муҳити** – бу меҳнат фаолияти жараёнида инсонга таъсир қилувчи омиллар йиғиндиси.

### **Билимларни текшириш учун тест топшириқлари**

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг вазифаси нималардан ташкил топган?

А. Инсоннинг мавжудлиги, кундалик турмуш – тарзи, яшаш фаолиятини ўрганади.

\*В. Инсоннинг техносфера билан энг қулай ва хавфсиз ўзаро таъсирини ўрганади.

С. Техник тизимларда содир бўлган ҳалокатлар, инсоннинг техносферада яшаш шароитларини ўрганади.

Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

2. Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг мақсадига нималар киради?

\*А. Техносфера шароитида инсонга табиий ва техноген тусдаги фавқулудда вазиятлар ва авариялар содир бўлишини олдини олиш, унинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш ҳамда инсоннинг ҳаёт кечириши (яшаши) учун энг қулай шароитларини яратиб бериш.

В. Техносфера шароитида инсон фаолиятига соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган табиий ва техноген авариялар содир бўлишини олдини олишга қаратилган тадбирлар.

С. Техносфера шароитида инсонни салбий таъсирлардан муҳофаза қилиш ва инсоннинг яшаши учун энг қулай шароит яратиш.

Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

3. Меҳнатни муҳофаза қилиш фани қайси фанлар билан боғлиқ ҳисобланади?

А. Ижтимоий – иқтисодий ва аниқ фанлар билан.

В. Тиббиёт, химия фанлари.

С. Техник фанлари, меҳнат гигиенаси ва саноат санитарияси.

\*Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг долзарблиги нималардан иборат?

\*А. Инсон фаолиятига, соғлиғига, наслига бевосита ёки билвосита қисқа ёки узок муддатда таъсир кўрсатувчи омиллар таъсирини ўрганиш.

В. Яшаш муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар таъсири натижасидан ҳимояланиш.

С. Инсоннинг яшаш шароити учун энг қулай шароит яратиб бериш.

Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

5. Техносфера тушунчаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

\*А. Биосфера ҳудуди бўлиб кейинчалик инсонлар томонидан бевосита ёки билвосита техник воситалар ёрдамида қайта ўзгартилган қобик.

В. Инсонларнинг материал ҳамда ижтимоий- иқтисодий талабларини қондириш мақсадида қайта ўзгартирилган қобик.

С. Биосфера ҳудуди бўлиб инсонлар томонидан қайта ўзгартирилган қобик.

Д. А ва Б бандларда кўрсатилган жавоб.

### **Уйга вазифа**

1. “Меҳнат муҳофазаси” фанининг техника фанлари (физика, математика) билан боғлиқ бўлган жиҳатларини ҳаётий бир мисол билан тушунтиринг?

2. “Меҳнат муҳофазаси” фанини долзарблиги, фан сифатида ўқитилишига қанчалик зарурат борлигини ёзма баён қилинг

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Ў. Йўлдошев, У. Усмонов, О. Қудратов. Меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнат 2001й.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабр

3. Қудратов О.Қ., Ғаниев Т.А., Сосновский Ю.С. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”. Маърузалар матни. ТТЕСИ. 2000 й.

4. Кукин П.П. и др. “Безопасность технологических процессов. М., «Высшая школа» 2010 г.

5. «Основы инженерной психологии», под ред. Ломова Б.Ф. М. «Высшая школа».

6. “Безопасность жизнедеятельности” под общей ред. проф. Под общей ред. Белова С.В., М., “Высшая школа”. 2010 г.

7. Х.Раҳимова, А.Азамов, Т.Турсунов. “Меҳнатни муҳофаза қилиш” Т.: “Ўзбекистон” 2003.

8. Х.Э.Ғоипов., “Меҳнат муҳофазаси”. Ўқув йўлланма. – Т.: “Меҳнат” – 2000

9. O.Qudratov, T.G`aniev., «Favqulodda vaziyatlarda fuqaro muhofazasi», «Yangi asr avlodi». 2005-yil.

10. M.X.Tojiyev, I.Nigmatov., «Hayot faoliyati xavfsizligi». O`quv qo`llanma. – Т.: «Tafakkur-Bo`stoni», 2012 yil.